



— Ҳамма пулини тўлаб бўлдим, клуб биноси энди меники! — деди у. Ҳаш-паш дегунча клуб биноси бузилиб, ундан чиққан қурилиш материаллари учирма қилинди.




Унинг тўрт йиллик дарбарлик йиллари бошланди. Судгача борган «дело» яна терговга қайтиб, Иштихон, Нурота, Навоий, Каттакўрган, Самарқанд, Тошкент шаҳарларини тўрт йил кезди.



Икки томони силлик, ўлчами 15х15х13см бўлган тошнинг юзасида аввал ўткир тиг ёрдамида тирнаб чизилган, сўнг қора ва қизил оҳрада бўялган пиктографик ёзувлар мажмуаси тасвирланган.

Insonga naf keltirish — oliy baxt



Ishonch

Биз бугун ўтган йиллар мобайнида босиб ўтган тараққиёт йўли-мизни холисона баҳо-лар эканмиз, эски мафқуравий тизим ва гоьлардан бутунлай воз кечиб, янги ҳаёт барпо этиш йўлида қўлга киритган, дунё аҳли тан олаётган юксак марра ва ютуқларимиз барчамизга гурур ва ифтихор бағишлаши табиийдир.

Ислом КАРИМОВ

2008-йил 6-сентябр № 110 (2523) shanba

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-йил 21-martdan chiqq boshlagan

Касаба уюшмалари: халқаро ҳамкорлик




Кеча Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ўқув марказида ICSEM халқаро касба уюшма ташкилоти Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ҳудудий бўлинмасининг «Аёллар ва ёшлар: ижтимоий ҳимоя усуллари ва шакллари» мавзусидаги халқаро хотин-қизлар конференцияси иш бошлади. Беларус, Россия, Украина ҳамда мамлакатимиз вакиллари анжуман давомида ўзаро тажриба алмашишди. Конференцияни ўтказишдан мақсад аёллар ва ёшлар манфаатлари, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соҳадаги муаммо ва ютуқлардан хулоса чиқаришдир. Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сониде батафсил маълумот берамиз.

Конференция иш бошлади



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Ўзбек курашининг беш қитъа бўйлаб ривож барчамизни хурсанд этади. Албатта, бунда Кураш халқаро ассоциацияси томонидан амалга оширилаётган ишлар эътиборлидир. Шу кунларда ушбу ташкилот ташкил топганининг 10 йиллиги нишонланмоқда.



Шу муносабат билан кеча «Интерконтинентал» меҳмонхонасида КХА раҳбарлари иштиро-

кида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда кураш бугун дунёнинг 102 та давлатида ривожланаёт-

гани таъкидланди. Шунингдек, 7 сентябр кунини Шахрисабз шаҳрида Амир Темур хотирасига

бағишлаб ўтказиладиган 5-анъанавий халқаро турнир ҳақида ҳам маълумот берилди.

Ўз навбатида КХА президенти Комилжон Юсупов, ассоциациянинг биринчи вице-президенти Жағдеш Татлер, вице-президентлар — Африка кураш конфедерацияси президенти Томас Дункер, Европа кураш конфедерацияси президенти Яшар Каптан Башаран, Океания кураш конфедерацияси президенти Йохан Бошофф, КХА ҳакамлар қўмитаси раиси Ризо Носирий журналистларнинг саволларига жавоб қайтаришди.

Таъкидлаш жоизки, курашни 2009 йили Ветнам ёпиқ спорт иншоотларида ўтадиган 3-Осиё ўйинлари, 2011 йили Замбияда бўладиган Африка ўйинлари дастурига киритиш йўлидаги ишлар муваффақиятли давом этмоқда.

Матбуот анжуманида курашнинг ривожига катта ҳисса қўшган мутахассисларга КХАнинг 10 йиллиги муносабати билан ассоциациянинг олтин медали топширилди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Янгиликлар панорамаси

Қашқадарё Кичик грантлар

Сайидо Насафий номидаги вилоят ахборот кутубхона марказида Глобал экологик жамғарма (GEF)нинг Ўзбекистондаги кичик грантлар дастури доирасида се-

минар ўтказилди. Воҳодаги нодавлат, но-тижорат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган мулоқотда грантлар ҳақида батафсил тушунча берилди.

Жорий йилнинг май ойидан бундан татбиқ этилаётган бу лойиҳалар табиат ва атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган. Ташкилотларга миллий валютада бериладиган грантларнинг максимал миқдори 50 минг долларга тенг.

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch» мухбири

Ўзбекистон — умумий уйимиз

Ушбу шиор остида Хўжабоддаги маданият ва истироҳат боғида ўтган байрамда туманда яшовчи йигирма бешдан зиёд миллат вакиллари жамулжам бўлишди.

Мустақилликнинг 17 йиллик байрамига бағишланган ушбу маданий-маърифий тадбирдан мақсад миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни тарғиб қилиш-

дан иборат эди. Чин маънодаги миллий қадриятлар қўриғига айланган анжуманда ўзбеклар билан бир қаторда уйғур, қозоқ, тожик, татар, немис, латиш, венгер ва бошқа миллат вакиллари ўзларининг пазандалик, чеварлик, тадбиркорлик фазилатларини намойиш этдилар.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Бухоро Самарқандга саёҳат

Шу йилнинг 10 июлида юз берган факулдада ҳодиса асоратлари тугатилган Когон шаҳрида истиқомат қилувчи юз нафардан зиёд отахон ва онахонлар учун Самарқандга саёҳат уюштирилди. Унга Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқару-

ви хомийлик қилди. Саёҳатчилар қадимий ва ҳамisha навиқрон шаҳарнинг Регистон мажмуаси, Шоҳи Зинда, Гўри Амир каби қатор кутлуг қадимжолар, ҳадис илмининг улуг алломаси Исмоил ал-Бухо-

рий зиёратгоҳида бўлишди. Мустақиллик шарофати билан бунёд этилган улкан қурилишларни томоша қилдилар.

Иzzатилла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Навоий Эътироф

Туманимизда 28 та мактаб, 24 та мактабча таълим муассасаси ва 3 та спорт мактаби бор. Уларнинг деярли барчаси тубдан таъмирланиб, айримлари қайта қурилайтир. Ана шу ўзгаришларда қисман бўлса-да, улуғимиз борлигидан мамнунмиз.

Йилдан йилга 60 та касаба уюшма ташкилотининг меҳнат жамоалари ҳаётига чуқурроқ кириб бориш

имконияти ортмоқда. Ешлар йилида 27 нафар ёш мутахассис ҳамда касб фидойилари турли сикатгоҳларда саломатлигини тиклаб қайтди. Ташаббускор ходимларнинг меҳнати муносиб тақдирланади.

Баҳодир ТУРОПОВ, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Кармана туман вакили

Сирдарё Ишсизлар ишли бўлди

Иқболжон Қўлдошев, Александр Плесневой Сирдарё туманидаги сановат коллежини тасмолладилар. Уларнинг ишга жойлашларида муаммо бўлмади. Чунки бу йилги ишлаб чиқариш амалиётини «Сирдарёўлрефтранс» акциядорлик жамиятида ўтаган, ёшларнинг ташаббускор ва серғайратлиги маъмуриятга ёқиб қолгани, шу-

нинг учун ҳам уларни корхонага ишга қабул қилишди. — Ўтган давр давомида 892 нафар йигит-қиз иш сўраб мурожаат этди, — дейди Акбар Эшонқулов. — Улардан 83 фойзини доимий иш ўринлари билан таъминладик. 150 нафарига эса ишсизлик нафақаси тайинланди. Қўллаб ёшлар шартнома асосида жамсат ишларига жалб этилди. Ре-

жага кўра, туманда бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳар чорақда мунтазам равишда ўтказилляпти.

Бундай тадбир педагогика ва сановат коллежларида ҳам ўтказилди. Ярмаркаларда 54 та ташкилот иштирок этиб, 490 та бўш иш ўрнини тақдим этди. Ўтказилган меҳнат бозорларида ишсиз 320 нафар фуқаро катнашди ва уларнинг 250 нафари доимий иш ўринлари билан таъминланди.

А.НОРҚУЛОВ

Меҳнат муҳофазаси

● **«Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ишловчи фуқароларга давлат томонидан қонунчилик йўли билан кафолатлар таъминланишининг, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан жабрланганлар моддий ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватланишининг мустақкам ҳуқуқий асосини яратди. Мазкур Қонун фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини амалга оширишга, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганлиги муносабати билан сугурта товони тўланишини таъминлашга, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ва меҳнат шароитларини яхшилашга, шунингдек, ижтимоий сугурта тизимини янада ривожлантиришга қаратилган.**

Барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб бериладиган меҳнат шароитлари яратиш бериш иш берувчининг мажбуриятига кирди. Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлиги учун жавобгар бўлади. (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 211-моддасидан)

Эрта тонгда яхши ниятлар билан кадрдон жамоасига отланган ишчи кечкурун оиласи, фарзандлари бағрига қайтди. Тўсатдан содир бўлган фалокат ҳаётини остин-устин қилиб юборди. Бир корхонада 29 йил ишлаган тажрибали сўзловчи чилангар, эллик ёшли Бахтиёр Қурбонов ҳаётдан кўз юмди. Воқеа тафсилоти куйидагича: кундуз соат иккиларда пресслаш цехининг ҳаво сўрувчи вентилятор лопастлари чиқиб кетиб, унга маҳкамланган 630 миллиметр диаметри кукурнинг бошланғич қисмига жиддий шикаст етказди. Носозлик



Мухбиримиз бонг уради

хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ виллоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан тузилган махсус комиссия ўз хуло-

жўжабирдай фарзандларнинг отаси ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Тўғри, марҳумнинг оиласига тоvon пуллари ва бошқа тўловлар вақтида тўланди. Лекин ҳеч қандай куч ҳаётдан эрта кетган падари бузрукворини болаларига қайтариб бера олмайди.

Орадан бир йил ўтмай, корхонада яна бир бахтсиз ҳодиса рўйхатга олинди. 2008 йилнинг 7 апрелида рўй берган бу воқеа соловчи нурчи Я.Маматқулов учун қимматга тушди.

Завод қошидаги пахтани қабул қилиш масканининг 25-бунтлаш майдончасидан эшитилган гўмбур-гўмбурдан теварак-атроф ларзага келди. Ишчилар саросимага тушиб, югуриб келишганда соловчи нурчи Я.Маматқулов юзларини ушлаганича инграб, қўрқувдан дағ-дағ титраб эди.

Уша куни соат икки яримларда соловчилар гарамни пахтага тўлдириш учун 10,5 киловатт кучланиши ва 1500 айланма ҳаракатли электр двигатели ёрдамида ишлатиладиган КЛП-650 русумли транспортёрни майдончага келтирадilar. Ушбу механизмнинг вазифаси пахтани лента ёрдамида бунтларга кўтариб, тўкиб беришдан иборат.

Бахтсиз ҳодиса транспортёрни ишлатиш учун мажбур бўлган электр кабелни ток-ли шкафага улаш жараёнида юз беради. Кабел учидидаги вилкани суқиш жараёнида қобили ичидидаги фаза симларининг қисқа туташуви ва механик шикастланиши оқибатида ундан чиққан олов туфайли нурчи электротравма олади. Врачлар ташхиси бўйича иккала кафти, юз, бўйин ва кўкрак қарасининг юқори қисми II ва III даражали 20-25 фоизли куйиш жароҳатини олган.

45 ёшли, ўрта махсус маълумотли, қарийб чорак асрлик иш стажига эга Янгибой Маматқулов корхонанинг илгор соловчиларидан. Аммо у мутасадди раҳбарларнинг бепарволиги туфайли иш жараёнида шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланмаган.

Бешкент пахта тозалаш очик ҳиссадорлик жамияти мутасадди раҳбарлари бахтсиз ҳодисалар сабабларини чўқур таҳлил этиб, вақтида тегишли чора-тадбирлар кўрганларида, кўнгилсиз воқеалар қайта тақорланмас эди. Бу борада корхона касаба уюшма кўмитасига ҳам эътироз бор. Қатъий талабчанлик кўрсатилиб, жамоа шартномасида белги-ланган меҳнат муҳофазаси бўйича бандларнинг ижросига эътибор қучайтирилса, нур устига нур бўлур эди.

Иzzат ХИҚМАТОВ, «Ishonch» мухбири

Яқинда Фаргона туманидаги Хонқиз қишлоғида шундай ҳодиса рўй берди. Қишлоқ марказига кўрк бериб турган клуб биноси қутилмаганда «учиб кетди!» Одамлар хайрон, нима бўляпти ўзи, деб бир-биридан сўрашади...



пул бўлишини хомчўт қилиб, тезроқ бузиб сотиш ҳаракатига тушиб қолди. — Ҳамма пулини тўлаб бўлди, клуб биноси энди меники! — деди у. Ҳашпаш дегунча клуб биноси бузилиб, ундан чиққан қурилиш материаллари учирма қилинди. Қисқаси, Ш.Аҳмедовнинг ноҳўя хатти-ҳаракатларида Ўзбекис-

«Учиб

кетган»

клуб


Бу ҳодисанинг тағига виллоят прокуратураси етди. Маълум бўлишича, «Хонқиз» ширкат ҳўжалигига тегишли бўлган клуб биноси 1979 йилда қурилган. Тинчлик кўчасида жойлашган бу бино 1432,91 кв.метр жойини эгаллаган бўлиб, умумий фойдаланиш қисми 1268,55 кв.метрни ташкил этади, 1 қаватли, 22 та хонадан иборат.

Ширкат ҳўжалигини тугатиш ва унинг негизда фермер ҳўжаликларини қайта ташкил этиш комиссиясининг 2007 йил 17 май кунги 35-сонли қарорига асосан клуб биноси кимшоиди савдосига қўйилган. Ўзбекистон банклар ассоциацияси универсал биржа марказининг электрон биржа савдолари орқали бу бино Марғилон шаҳар Б.Марғинойий номили кўча, 421-уйнинг 26-хонадонида яшовчи фуқаро Шавакат Аҳмедовга 25.097 миң сўмга сотилган. 2007 йил 24 май куни «Хонқиз» ширкат ҳўжалигини тугатиш ва негизда фермер ҳўжаликларини қайта ташкил этиш комиссияси, 084-сонли брокерлик идораси брокери Ж.Мухторов ва клуб биносини сотиб олган фуқаро Ш.Аҳмедов ўртасида уч томонлама 158-сонли шартнома тузилган. Мазкур шартноманинг 2-бўлими, 2,7 бандида сотиб олинган клуб биносининг қиймати

отлар Давлат кадастри» хизматида рўйхатдан ўтказилиши кўрсатилган. Шу билан бирга шартномада Шахарсозлик Кодексининг 8-моддасига асосан объектни бузиш, унга ўзгартиришлар киритиш шаҳар, туман ҳокимликлари қошида ташкил этилган махсус комиссия руҳсати билан амалга оширилиши ҳам қайд этилган эди. Кўп ўтмай Ш.Аҳмедовнинг клуб биносини қандай ниятда сотиб олгани аён бўлди. Клуб биносини бузиб сотса қанча

тон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-модда, 3-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноят аломатлари борлиги аниқланди. Унга ва собиқ ҳўжаликдаги комиссия мутасаддиларига нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

Ҳоликназар ЖўРАБОВ



Лоқайдликми ёки тасодиф?

Бешкент пахта тозалаш очик ҳиссадорлик жамиятида юз берган бахтсиз ҳодисалар хусусида

ҳақида соловчи чилангарлар бригадаси бошлиғи К.Баратовга хабар берилди. Бригадир соловчилар У.Раҳматов, А.Турсунов, Б.Қурбонов ва Х.Ибодуллоевларни ёнига олиб, дарҳол воқеа жойига етиб келади. Гарчи завод устахонасида ҳимоя каскалари бўлса-да, шойиличда ундан фойдаланиш ҳаёлларига ҳам келмайди.

қулаган. Бош қисми билан бетон тушамага қаттиқ урилиб, ҳушини йўқотган. Қарши туман марказий шифохонасининг тез тиббий ёрдам бўлимига келтирилган. Муолажалар Б.Қурбоновга ёрдам бермади. Шифокорларнинг ташхисига кўра бош мианинг очик жароҳати, бошининг ён, пешона ва энса суяклари майдаланиб синиши, эпидурал ва субдурал қон қуйилиши, мианинг оғир даражада лат ёйиши, мия қомаси, чап томондаги қовургаларнинг, иккала билак суягининг типки жойидан ёпиқ синиши жароҳати билан у 2007 йилнинг 1 декабрида касалхонада вафот этди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа

Вентиляторни созлашга киришишдан олдин бажариладиган юмушлар ўзаро тақсимланган. Бахтиёр ака қўйилган ёғоч нарвондан икки метр баландиқка чиқиб, шикастланган қувур бўлагини ёчиб олган ва таъмирланганидан сўнг жойига ўрнатган. ...Ниҳоят носозликни бар-тароф этиб, нарвондан паства туша бошлаган пайтда мувозанатини йўқотиб, ерга

сасини айтди. Маълум бўлишича, бахтсиз ҳодиса ҳиссадорлик жамиятида чилангар соловчиларнинг иш жараёнлари нотўғри ташкил этилганлиги, таъмирлаш-созлаш юмушларини адо этиш пайтида хавфсизлик таҳлики қондаларига рияз қилинмаганлиги, республика Адлия вазирлиги рўйхатга олган «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги Намунавий Низомнинг 112-ва 170- бандлари талаблари бажарилмаганлиги туфайли келиб чиққан.


Ҳодисанинг содир бўлишида корхона бош механиги Ф.Умиров ва жабрланувчи, 5-тоифали соловчи чилангар Б.Қурбонов жавобгар эканлиги аниқланди. Бироқ вақт ўтган эди. Эътиборсизлик, лоқайдлик ланд берди. Катта бир оиланинг бошлиғи,

Бепарволик оқибатида

Мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасада ишчи-хизматчилар учун хавфсиз иш шароитини яратиш, меҳнат муҳофазасига эътибор қаратиш устувор вазифага айланмоғи керак. Афсуски, кўплаб иш берувчилар томонидан техник хавфсизлиги борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Оқибатда эътиборсизлик туфайли кўнгилсиз ҳолатлар юз бериб, баъзилар умрбод ногирон бўлиб қоляпти.

Илҳом Умматов «Улўбк» хусусий ишлаб чиқариш корхонасига катта умидлар билан ишга келганди. У бу ерда беш кун ишлади, холос. Корхонада хавфсиз иш шароити яратилмаганлиги унинг умр шамини бевақт сўндирди. Айна куч-қувватга тўлган ёш навқирон йигит лоқайдлик ва масъулиятсизлик қурбонига айланди.

хунобод туманидаги «Гулистон» қишлоғида янги коллеж биносини қуришга бонг уради. Иш кунини охирига бораётганда бахтсиз ҳодиса юз берди. Илҳом Умматов қурилаётган янги бинонинг томига метал арматурадан ясалган қўлбола нарвондан чиқа бошлаётганда уни кучли электр токи уради. Кимдир электр симини юқори қаватга ёруғлик яратиш мақсадига тортган экан. Симнинг ҳимоя қобилигидаги очик жойи темир нарвонга тегиб қолган ва ... Жабрланувчи оғир аҳволда туман шифохонасига ётқизилади. Аммо шифокорларнинг уринишлари зое кетди.



ланиш қондаларидаги бандлар ҳам эътибордан четда қолган. Яъни Сайхунобод тумани электр тармоқлари корхонаси раҳбарлари ҳам «Уздавэнергозорат» ташкилотидан техник шартлар олмасдан коллеж қурилишига электр энергиясидан фойдаланишига ноқонуний тарзда руҳсат берганлар.

Ана шундай ноқонуний кўрсатмалар туфайли бир ёш йигитнинг умри эрта завол топди.

Анорбой НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Корхона бунёдкорлари Сай-

«Гапир, ҲОЗҲОНЛИК бойвачча?»

Тун пардаси аста-секин борлиқни чулғади. Нурия ая сут тўла чалакни айвондаги илгакка олиб, ўчоқдаги оловни жонлантририш учун ўтин қалай бошлади. Негадир бир-икки кундан бери ҳаловатини йўқотган. Телефон жинригилда. Дўхтрир эмасми, ҳар сафар шошиб гўшақни оларди. Бу гал «эй худо, ўзинг панонҳингда асра-дея пиҷирлаб гўшақни кўтарди. — Нуриддин қаерда? — деган овоз эшитил-

жавоб қайтарди: — У киши ҳаммомда, айтган жойига бораверинг!

Биринчи кун: қадриятларга қайрилган ғоя

Соат тунги 12. У хона эшигига ақиялашаркан, юрагидаги ваҳм орта бошлади. — Кириң! — ичкаридан амирона овоз эшитилди. — Хонада икки киши бор экан. Бири республика прокуратурасидан, иккинчиси «юқоридан» — гдлянчи. — Гапир, ҲОЗҲОНЛИК

публикалардан ҳам зиёратчилар келишади. Бу ишнинг уддасидан чиқа олмайман. Марказкўм котиби жаҳл билан туман партия кўмитаси томибига юзланиб: — Бу кишининг иши билан жиддий шуғулланнинг, унинг мафқураси партия сийбасига мос эмас, — дея машинаси томон юрди.

Арбоннинг гапи қонун. Икки кун ўтмаёқ заводга тафтишчилар келиб, ўғирлик, қўшиб ёзишни топиш учун ҳўжатларни 6 ой чиғирқдан ўтказишди. Натижа чиқмади. Нуриддин Эгамов тергов курсида ўтириб эшитган биринчи саво-

Мармарда

ди, жавобини ҳам кутмай «Айт, Навоийга терговга борсин!» дея тақ эткизиб дастакни қўйди. Нурия ая бир зум котиб қолди. Не кўргүлик? Болаларини ухлатиб, эрини сабрсизлик билан кута бошлади. Аксига олиб шу кун Нуриддин ака бироз кеч келди. Негадир хомуш. — Дадаси, келдингизми? — лаблари пирпираб, кўзларидан беихтиёр ёш оқаверди. — Нима бўлди, тинчликми?

Ая озгина ўзига келгач, «Навоийга терговга бораркансиз» деди. Нуриддин аканинг ёдига Кўшарбот туман партия кўмитаси котиби Яхшимурод Халиловнинг кечаги гапи тушди. У «Нуриддин, хушёр бўл, сени ҳам чақиради, мана буларга қара» дея елкаси ва кўкрагини очиб кўрсатган, сўнг хурлиги келиб йиғлаб юборган эди.

— Қай вақт, кимгалигини айтмадимми? — Йўқ. Нуриддин ака туман прокурорининг уйига телефон қилди. — Мумкин бўлса... Сўровини тугатмаёқ дастакни кўтарган аёл

лининг илдизи қаердалигини хис қилди. Кошки уларга гап ўқтириб бўлса?

Иккинчи кун: ҳадик ва ҳужум

Нурия ая эрталаб нон ёлди. Шу пайт ҳовлига икки киши қириб келди. Нуриддин ака уларга пешвоз чиқиб, ишқом тағида турган столга тақлиф қилди. Нурия аянинг юраги безиллаб, бехолгина деди: — Дадаси, дастурхонга иссиқ нон қўйинг.

— Бемалол, биз нон егани келганмииз йўқ, унинг тинтув қилгани келдики, — деди бақалоқ киши.

— Ахир эрталабки мушдан... — дея Нурия ая суришиб кетди ва йиқилиб ёвги синди. Қўлидан нон учиб кетди. Нуриддин ака жонқолатда унга югурди. Болаларини дўхтрирга чоптирди.

Бало келса, қўшалоқ келади деганларидек бу тавиш Нуриддин акани гангитиб қўйди. Шифохонга югуриб, жуфти ҳалоли теласида бир дам ўтиргиси келади.


Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти вақиллиги



Фидокор халқимизни ва
барча тармоқ ишчиларини эн
азиз байрам — Мустақилли-
гимизнинг 17 йиллик тўғи
билан самимий қутлайди.

Ўзбекистонимизни фойзу барака тарк этмасин!

Жиззах вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши



Мамлакатимиздаги барча зиёлиларни энг улуг ва
энг азиз байрам — Мустақиллик шодиёнаси билан
чин дилдан қутлайди.
Мустаҳкам соғлик, оилавий бахт, шодумонлик
Сизни тарк этмасин.
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлиб
қолаверишини Оллоҳдан тилаб қоламиз.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши



Барча юртдошларимизни Озодлик
ва хурлик байрами Ўзбекистон
Республикаси мустақиллигининг
17 йиллиги билан муборакбод этади.
Таълим — бу зиё. Ҳаётимиз зиё
нури, тинчлик неъмат, бахт-саодат
шуъласи билан чароғонлашсин.

Истиқлолимиз абадий бўлсин!

Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «559-хмкк» масъулияти чекланган жамияти курувчилари



Бунёдкор халқимизни ва барча соҳа ходимларини
Мустақилликнинг 17 йиллик байрами билан табриклайди. Истиқлол
шарофати ила қад ростлаётган гўзал бинолар, коллежлар ва таълим
муассасалари юртимиз кўрғига кўрк қўшаверсин.

бу ёқда эса кўзга
кўринмас кишан...
— Бор матоҳинг шу су-
ратларми? Буням олиб
кетамиз.
— Мана шу уй, ҳовли
меники, нимаики топган
бўлсам бари шу ерда.
Сизга нима керак бўлса
излаб толинг, лекин су-
ратларга тегишми?
Ҳаётимнинг бахтли кун-
ларидан хотира улар,—
деди Нуриддин ака таф-
тишчиларга.
Тергов:
— Тошкентдаги уй учун
кимга пора бергандинг? Бу
суратлар билан ўзингни
буюк қилиб кўрсатмоқчи-
мисан, яқкама-яқка сўхбат-
лашганимда Рашидов
нима деди, тўғриси га-
пир. Ҳали вагонлаб мар-

тайликми? — деди «ва-
тандош» терговчи.
Бу гал тилидан или-
нишга бир баҳа қолди.
Дарвоқе, КПСС Марказий
қўмитасининг масъул
ходими Смирнов, Наво-
ий вилоят партия қўми-
таси биринчи котиби
Есинлар Фозгонга таш-
риф буюришди. Юкори-
дан келган меҳмонни
маҳаллий раҳбарлар
топширигига кўра нон-
туз билан кутиб олиш-
ди. Ўзбек одадига кўра
уларга тўн кийгизилди.
Фозгон мрамаридан иш-
ланган буюмлар совға
қилинди. Буни тепасида
пора бергансан, айт деб
туришган бир паллада
қандай айта олади. У
биттагина шу саволга
тўғри жавоб бермади.

кираятчи, хаёл оғуши-
да атрофга разм солмаб-
ди.
— Кимирламай ўтир,
хозир чиқаман,— дея
огоҳлантирди белгилан-
ган манзилга келгач, ма-
шинадан тушаркан «меҳ-
мон». Қайқа ҳам борар-
ди. Кун оға бошлаган пай-
тда «меҳмон» қайтди. Ма-
шина кўзга пича юр-
ган, яна тўхташга фармон
бўлди. У пиширқлар со-
тилаётган дўконга бориб
битта пераша ва бир ста-
кан сув олиб тушлик қила
бошлади.
Нуриддин ака «меҳмон»
олдида нокулай аҳволга
тушди: «Нега чойга тақ-
лиф қилмадинг? Хар холда
марказдан, қолаверса,
ўзга юртдан келган
киши». Шу хаёллар гир-

Кўп кишилар айбисиз айб-
дор бўлиб қоляпти. Жум-
ладан, ўзим ҳам.
У бир ёвқараш қилди-
да, индамай қўйди. Хаё-
лидан нималар кечди,
худо билади. Ниҳоят:
— Биламан,— деди.
— Нахотки, бундан раҳ-
барлар...
— Биз раҳбарлар нима-
ни буюрса, ўшани бажа-
рамыз.
**Тақдир
ўйини**
Жиноятчи райком
азоси, вилоят кенгаши
депутати бўладими? Ал-
батта йўқ. Зудлик билан
райком бюроси чақирил-
ди. «Нуриддин Эгамов»

мизга бирор жойда иш-
лаш насиб этмади. Тўғри,
олий маълумотли, тажри-
бали мутахассисга дастлаб
Нурота турар-жой комму-
нал хўжалигида гўлаҳлик-
ни бердилар. Қарангки,
олти ойдан сўнг штат қис-
қариб, бу ноёб ишдан ҳам
айрилди.
Шу йиллар вилоят партия
қўмитасининг биринчи коти-
би Ефимов бошчилигида
жиноятчи тўдаларни фой-
қилишга астойдил кири-
шилди. «Дўстлик байроғи»
газетасида кетма-кет фель-
етонлар чоп этила бошлан-
ди. Н.Эгамов хақида ҳам
1987 йили «Қалтис қадам»
фельетони босилди. «Нима
иш қилганимни фельетон-
ни ўқиб билдим,— дея эс-
лайди у.— Минг афсуски,
унга имзо қўйган журналист

рилди.
Шу йили Самарқанд
вилоят партия қўмитаси-
нинг биринчи котиби
Пўлат Абдурахмонов «Ой-
нинг ўн беши коронги
бўлса, ўн беши ёруғ
бўлади» деб партия бил-
етини топширди. Энди
унга билетнинг қизиги
ҳам, ҳожати ҳам қолма-
ганди, расмийат учун
қабул қилди.
**Фараҳбахш
лаҳзалар**
Нуриддин Эгамов рафи-
қаси билан Фозгонга кириб
бораркан, атрофга завок
билан тикилади. Фозгон эмас,
тошқўрғон деса ҳам бўла-
ди. Равон кўчаларда жой-
лашган бинолар, деворлар
фақат тошдан ясалган.
Хикояни қаҳрамонимиз
хаётининг энг оғир кунла-
ридан бошлади. Умри
шундай азият билан ўтган
экан-да дея таажжублан-
манг. Фозгоннинг бугунги
камалида Нуриддин Эга-
мовнинг муносиб хизмати
бор.
— Онаси, қара, кейинги
уч-тўрт йилда Фозгонимиз
таниб бўлмас даражада
ўзгараяпти. Болаларимиз-
нинг ҳам хизмати сингап-
ти. Ўзимиз ҳам қараб тур-
мадик.
Дарҳақиқат, унга «Сизда
айб йўқ экан, мана биле-
тингиз, ишсизликдан тўрт
йил азият чеккангиз учун
давлат кассасидан маошин-
гизни олиб, директорлиг-
ингизни давом эттиринг-
дейишди. У директорлик-
ни эмас, муҳандисликни
танлади. Завод қурилиши-
га киришди. Мамлакатимиз
мустақилликка эришгач,
завод хиссдорлик жамияти-
га айлантирилди. Жамоа
юқорининг фикрига қарши
бориб, Н.Эгамовнинг жамия-
ят раиси бўлишини талаб
қилди. Биринчи раис энди
истиқлол берган имконият-
дан фойдаланишга ҳаракат
қилди. Тез фурсатда Ита-
лия фирмаси билан шарт-
нома тузди. Давлатдан
қарз олиб, 1 млн. 160
миң АҚШ долларига Ита-
лиядан янги қурилмалар
олиб келди. 8 ой ичида
улар ўрнатилиб, ишга ту-
ширилди. Яъни қурилиш-
монтаж ишлари муддатидан
беш ой олдин тугалланди.
Бу Нуриддин Эгамов одам-
лар қалбига йўл топа ол-
ганининг самараси эди.
Заводнинг ишлаб чиқ-
ариш қуввати уч-тўрт бар-
бар оширилди. Ҳозир Фоз-

гондаги 8 миң аҳолининг
75 фоизи тоштарошлик
билан шугулланапти. Ил-
гари битта ҳам тош кесиш-
га ихтисослашган хусусий
корхона бўлмаган бўлса,
бугун ҳар бир қўчада бир
нечтадан тош кесиш
қурилмасини ишлатаётган
хусусий сангтарошларни
учратасиз. 2 та мрамар за-
води, 6 та карьерда иш
қизғин.
Дарвоқе, завод чиқар-
ган сифатли маҳсулотни
эвазига давлатдан қарзи-
ни қисқа муддатда узиш-
га киришди. Яна хайрли
ишлар бошланди. 1998
йили кам таъминланган
оилалардан 12 нафар бо-
ла-қизларни суннат тўғи ўтқа-
зилди. Хар бирининг
ҳисобига банкка 5 миң
сўмдан пул қўйилди. Фоз-
гонга газ келтиришга 4
млн. сўмлик ёрдам кўрсат-
илди. Навоий шахрида
қурилган шошилинч тиб-
бий ёрдам илмий маркази
вилоят бўлими қури-
лишига катта ҳисса
қўшилди. Н.Эгамов бош-
қош бўлган хайрли иш-
ларнинг қай бирини ай-
тасиз.
Ҳали қаримай туриб қал-
тироқ қўлларига асо иш-
лаган хуқуқшунос «одам-
лар гапига ишондим» дея
кечирим сўраганда ҳам
«Сизда айб йўқ, айб за-
монда» дея узрини очик-
ўнгиллик билан қабул
қилди. «Сен отда эдинг,
отангни ҳам танимасдинг.
Мени яхши билардинг,
менинг эмас, ўзгаларнинг
гапига ишондинг. Бирва-
ларнинг тегириғини сув
қуйиб, ўз тинчгини ўйла-
динг. Бу кунингдан баттар
бўл» демади.
У пенсияга чиққач, за-
водни ўғли Шерзодага топ-
ширди. Ҳаётдаги оғир
дамлар соғлиғига путур эт-
казганди. Бироқ бу дамлар
умрининг фараҳбахш лаҳ-
залари соясида қолиб кет-
ди. Уғиллари Амриддин,
Шерзода, Хусниддин, қизла-
ри Моҳидил, Гулгун —
барча олий маълумотли му-
ҳандис, врач, ўқитувчи. Ке-
лин-қуввлари Гулбахор,
Мархабо, Дилафруз, Мах-
муд, Фарход — булар ҳам
олий маълумот эгалари.
Оиланинг уч фарзанди 34
йил Фозгон тиббиёти беши-
гини тебратган Нурия
аянинг касбини эгаллади.
12 набира бобо-бувининг
овунчоғи, қувончи.
**Иброҳим ЖУМАЕВ,
«Дўстлик байроғи»
газетаси бош
муҳаррири**

Жилдоланган нур

марларни гум қилганингни
ҳам бурро-бурро айтасан.
**Учинчи кун:
«Ўзбекнинг
тўйида
бўлганмисиз?..»**

— Ҳозирча вагонлар
масаласини кўя турайлик.
Сен юқоридан келганлар-
га пора бериб, ўзинга
бойлик орттиришга йўл
очгансан. Е буни ҳам ин-
кор этасанми? Есин ва
Смирновга нега тўн кий-
дириб, совға-саломлар
бердинг?
— Сиз ўзбекнинг тўйи-
да бўлганмисиз, меҳмон-
га иззат-ҳурматини
кўрганмисиз? У бағри-
кент, толганини ўртага
қўяди, баҳам кўради.
— Бу билан нима де-
моқчисан, пора
берганингни тан олаян-
самми, яхши.
— Мен бу ерда порани
назарда тутмапман. Би-
ринчидан, мен пора бер-
ган эмасман. Иккинчидан,
бир пилла чой ичирган
бўлсам, бу бизнинг ода-
тимиз, меҳмонга эътибори-
миз, ҳолос.
— Улкангни бос, қаер-
далигингни яна бир эсла-

**Тўртинчи-
бешинчи
кунлар: «Қани
миллионлар?!»**

Қийин-қистов вагон-
ларга юкляниб, Россия ва
бошқа республикаларга
юборилган юклар хусуси-
да бўлди.
— Вагонлардаги юк
неча миллион бўлишини
яхши билсан. Мана бу
ерда ҳисоблаб ҳам чи-
қилган, қуриб қўй. Энди
давлат мулкани умариб,
пул санаган бармоқла-
ринг билан ақтга жимжи-
мадор имзо қўйсанг ҳам
булар.
— Йўқ. Мен ҳеч қан-
дай ноқўя иш қилмаган-
ман. Давлат топшириғи-
ни бажарганман...
**Олтинчи кун:
йўлда**
— Бугун сен бошлиқ
(тергов гуруҳи бошлиғи)-
ни Бухорога машинанда
обороб келсан,— деди
кондош терговчи.
Хўл демай илож қанча.
Балки «катта оға» билан
сўхбатлашиб, унинг дили-
ни юмшатар. Қизилтепага



● Истиқлол шарофати
добида меҳмонга яқин-
лашди ва шу яқин орада-
ги чойхонага кириб бир
пилла чой ичишга тақлиф
қилди.
— Сенинг бир пилла
чойингни ичиб муттаҳам
бўлайми, сизлар бировга
текин чой бермайсиз-
лар...
Унинг гаплари юрагига
ўқдай санчилди. Минг пу-
шаймон бўлди.
Анча йўл юриб андак
узига келгач, охишта сўра-
ди:
— Тергов қилаяпсиз.
иши муҳокама қилина
бошланди. Биринчи ко-
тиб фикрини билдириб,
уни партия сафига но-
лоийқ деб толди ва бар-
ча унинг гапини тасдиқ-
лади...
Унинг тўрт йиллик дар-
бадарлик йиллари бош-
ланди. Судгача борган
«дело» яна терговга қай-
тиб. Иштихон, Нурота,
Навоий, Каттақўрғон,
Самарқанд, Тошкент ша-
ҳарларини тўрт йил кез-
ди.
Бу вақтда қаҳрамони-
мени, оиламини жуда
яхши биларди.
Сабр-тоқат, ўз ҳуқуқи
учун курашиш ҳамиша
инсонга омад келтиради.
Н. Эгамовнинг ҳаёлигини
аста-секин исботини топа
бошлади. 1988 йилда
«Совет Ўзбекистони» га-
зетаси Н. Эгамовнинг ай-
бсизлигини ёзиб чиқди.
Унинг иши Республика
прокуратурасида қуриб
қилиниб, жинояти йўқли-
ги аниқланди ва 1991
йил 27 мартда бу ҳақда
жабрланувчига хат юбо-

Нурдан кўйлак кийган мисралар



Оман АБДУЛЛАЕВ — ижодкор дўстуби. 8 алломага юрти Шайхонда тузилган. Бухоро давлат университети дўбек филологияси факультетинда ўқиган. «Уштин кун», «Сотин азоб», «Нажот фаршаси», «Энаётан мактуб», «Хайрат хайқирини» китоблари топ этилган. Ижодкор дўстубиларини Шахрисабзда тўқазилган республика кўрик-танловини қозонди.

Илҳом онлари

Ботиб кетди кўксига қўш, Обғимга йиқилди оқшом, Юлдузчалар — ҳалқа-ҳалқа ёш, Қитқилдайди кўнглимни илҳом.

Дилга ёқар хушбўй бир эпкини, Юрак бўйлаб аста таралар. Оқ қозога тўқилар секин Нурдан кўйлак кийган мисралар.

Висол

Югуради соат миллари, Висол сари таллилардик биз. Қовуштирар севги йўллари. Бог кўйинда... Унта кам саккиз.

Ҳар оқшомда шу ҳолдир такрор, Тотли кунлар бўлиб юзма-юз. Кутардик шу вақтни интизор, Учаршардик... Унта кам саккиз.

Диллар ишқа эди лиммо-лим, Лолу ҳайрон, тилга келмас сўз. Ишонганим сенга севгилими, Ширин лаҳза... Унта кам саккиз.

Синмас эдик еру кўкка ҳам, Севгимизга тоғдимкан кўз. Бевафолик... Эсиз, фаршам, Кўнглимда шу... Унта кам саккиз.

Ҳаёт бунча экан бешафқат,

Эсингдами, эй боқира қиз. Армонимсан энди, муҳаббат, Унутмагин... Унта кам саккиз!

Меҳр қўшиғи

Маънос ингоҳинг намлалар Кўзинг унгида утганда. Туғишганларинг жамлалар, Бошинг бстиққа етганда.

Қариндошинг-қадронинг, Оғрисанг, кучди жони, Оғининг — кўнглинг султони, Бошинг бстиққа етганда.

Урнин хеч ким босолмайди, Йўлни бўрон тўсолмайди, Югуриб-елиб толмайди, Бошинг бстиққа етганда.

Қадра тирки чоғида, Юрсин меҳр кучида, Асра кўзинг қароғида, Бошинг бстиққа етганда.

Кўзингни оч, боқ оламга, Ғанимат одам одамга, Яқинларни қўйма ғамга, Бошинг бстиққа етганда.


Бу дунё бевафо дерлар, Қилма жабру жафо дерлар, Охиратда жазо дерлар, Бошинг бстиққа етганда.

Яқинда Термиз давлат университети тарихчи олимларидан бири, доцент Шопўлат Шайдуллаев устози, тарих фанлари доктори Зоир Чориев билан биргаликда ноёб тарихий манбани кўлга киритганини айтиб қолади. Унинг таъкидлашича, ушбу топилма Бойсун туманидаги Дарбандсойдан топилган. Икки томони силлик, ўлчами 15x15x13см бўлган тошнинг юзасида аввал ўткир тиг ёрдамида тирнаб чирилган, сўнг қора ва кизил оҳрада бўлган пиктографик ёзувлар мажмуаси тасвирланган.

«Дарбанд тош китоби»нинг топиллиши, шубҳасиз, Ўзбекистонни илк ёзув шаклланиш ҳудудлар қаторига киритади. У ёзувчи қўлига кўра, милoddan аввалги 3 — 2-минг йилликларга оид. Ёзувлар оҳранинг ёғ билан қўшилган ҳолда тайёрланиши натижасида ниҳоятда яхши сақланган. Унда тоғ эчкиси, кийиклар галаси, илонлар, тоғ манзараси, манзилгоҳлар, одам кўзи, ой, қуёш каби пиктографик белгилар ифодаланган. «Дарбанд тош китоби»

Тарихингдир минг асрлар...

Дарбанддаги ноёб топилма



Сурхон воҳаси мамлакатимиз ҳудудидаги энг қадимий пиктографик ёзув ватани ҳисобланади. Суратда: Жаркўтондан топилган сополга ёзилган пиктографик ёзув.

бўйича олимларимизнинг яқиний ҳулосаси шундан иборатки, Амударё ва Сирдарё бўйлари ҳамда кўллаб тоғ дарёлари бўйлаб жойлашган водийлар ўзлари-

нинг серунумлиги билан энг қадимий даврлардан бошлаб кўллаб халқларнинг эътиборини тортган. Шунинг учун Термиз давлат университети олимлари кашф этган «Дарбанд тош китоби» том маънода Урта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудуди қадимий давлатлар — Месопотамия, Эрон, Хитой ва Хиндистон билан бир қаторда илк тамаддун ўчоқларидан эканлигини тасдиқловчи ўта ноёб тарихий манба ҳисобланади.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Касаба уюшма спорти

Ўзбекистон касаба уюшмалари меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳаққуқларини ҳимоялаш билан бир қаторда улар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, шу орқали жамоаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан Андижон вилоятининг Булокбоши туманидаги «Шифокор» оромгоҳида ташкил этилган 7-республика спартакиадаси Ёшлар йилига бағишланди.



Соғлом турмуш

марш маршбошчилиси

Иштирокчилар энгил атлетика, стол тенниси, шахмат, шашка, стрит-

бол, арқон тортиш бўйича беллашдилар. Уларнинг аксарияти ёшлар эди.

— Спартакиадада шашка бўйича қатнашапман, — дейди Навоий жамоаси вакили, Нурота тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим мудирини Боли Шарипов. — Таъкидлаш лозимки, ушбу тадбирнинг биринчи ва иккинчи босқичлари ҳам кўтаринки рўнда ўтказилган эди. — Республика миқёсидаги мусобақаларда иккинчи марта қатнашмоқдаман, — дейди аёллар ўртасида стол тенниси бўйича иккинчи ўринни эгаллаган Андижон вилояти вакили, Жалақудук туман марказий шифохонаси болалар поликлиникаси ҳамшираси Нилуфар Солиева. — Спортга яқинлигим оиладаги юмушларда, айниқса фарзанд тарбиясида, соғлиғимни мустақамлашда асқотаяпти. — Байрамлар арафасида

ташкил этиб келинаётган спорт тадбирлари самара бермоқда, — дейди Тошкент жамоаси вакили, Республика онкология илмий маркази бўлим мудирини, касбақў раиси Аҳам Пармонов. — Уларда иштирок этган ходимлар муносиб тақдирланмоқда. Бунга марказ раҳбарияти, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгашининг қўллаб-қувватлаши натижасида эришилаётган.

Кўтаринки рўнда ўтган мусобақада умумжамоа ҳисобида андижонликлар голибликни қўлга киритди. Кўпгина спорт турлари бўйича пешқадамлик қилган Самарқанд вилояти жамоаси шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди. Бухоро вилояти вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар ва барча иштирокчилар тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан қимматбахш совғалар билан тақдирланди. Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА, УЗКУФК матбуот котиби

Мулоҳаза

Ҳамманинг ичигаги гарг...

Рўзгор юмушлари билан бозор айланаётиб, жанжал устидан чиқдим. Бир йилгит ўрта ёшлардаги аёл билан тортишарди. Иккови ҳам шу ёрда савдо-сотик билан шуғулланиши кўриниб турарди. Келишмовчиликнинг сабаби, йилгит савдо қилаётган дўконнинг олдига аёл ўзининг атторлик буюмларини қўйиб сотаётган экан.

Юқоридаги воқеанинг илдизи айрим ёшларимизнинг пулга муқасидан кетиши, пул топиш йўлида бошқа барча нарсаларни унутиб қўйишда эмасмикан? Жамиятимизда, асосан ёшлар орасида «пул топганининг ошиги олчи» қабилидаги фикр шаклланиб улгурди. Нега деганда, топиш-тутиши яхшиларга нисбатан «фалончи жуда эпчил бола чиқди» ёки «фалончи жуда зўр бўлиб ўси-да, тегиримонга тушса, бир қоп ун билан чиқади-я» дея таърифлаб, ибрат қилиб кўрсатамиз. Оқибатда қўлида «сотка» ўйнатиб юриш, ҳар хил тақинчоқлар тақиш, ранг-баранг кийиниш ёшларнинг асосий мақсадларидан бирига айланиб қолаётти.

Мавзуга оид яна бир жиҳат шуки, шу кунларда телевизор, радио орқали, кўча-кўйда аксарият ёшлар ўртасида урф (уларнинг тили билан айтганда «хит») бўлган бир «хониш»ни эшитиш мумкин. Рэп услубида айтилган бу қўшиқнинг матнидан бир иктибос келтирсак:

...Орау-хавас кўп, яшаш яхши, яхши яшаш унданам яхши. Яхши яшашга нима керак? Яхшигина пул керак. Пул ҳамманинг ичигаги дард, пул бор ҳаёт — бу ҳақиқат!.. Шу ўринда француз мутафаккири Пьер Буастининг: «Пул барча нарсага қодир деб ҳисоблайдиган инсоннинг ўзи пул учун ҳар қандай ишни қилишга қодирдир», — деган фикрини эслаш жоиз...

Мирзохид ЭШМАТОВ

Бир донишманд «Фарзандингизни ўз замонангизга қараб эмас, балки кейинги замонга қараб тарбияланг. Чунки улар сизнинг эмас, кейинги даврнинг фарзандларидир» деган экан.

Тарбия

Ҳаёт жуда қизиқ. Ҳар бир давр одамларининг бажариши шарт бўлган вазифалари бор. Уларнинг энг муҳимларидан бири — ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчидир. Хоҳлаймизми-йўқми, бу масъулиятли вазифани чин дилдан бажаришимиз зарур. Биринчи ўринда фарзандимизга тўғри тарбия бера олишимиз, оқ-қорани танитишимиз, ҳалол ва ҳаромнинг фарқини ўргатишимиз керак. Лекин, аввало, фарзандга тарбия бераётган инсоннинг ўзи тарбияланган бўлмоғи лозим.

Баъзан уйланиб қоласан киши. Нега инсоният қадимдан бугунгача тарбия мавзусида ўлмас асарлар яратгану, бу масала хануз долзарб бўлиб қолмоқда? Келинг, бунга бугунги кун нуқтаи назаридан баҳо бериб кўрайлик. Дейлик, қўлингизга газета тушиб қолди. Ундан нима қидирасиз? Албатта, латифа ёки миш-миш. Телевизордан эса... сўзсиз сериал. Сериал қаҳрамонларини тақдир қай қўйга солишини кўтиб, эртанги кунни интиб кутамиз. «Фақат севги-муҳаббатдан иборат секириллардаги беҳаё кўришлар болаларимиз онгига салбий таъсир кўрсата-япти» дея бонг ураётганлар кўп. Бу одамни янада чуқурроқ ўйлашга мажбур қилади. Нега биз меҳнатқашликда ҳатто японлардан ҳам ўтиб кетамиз-у, кино қаҳрамонлари-ю қўшиқчиларнинг ҳаётидаги янгиликдан бошқа жиддийроқ мавзулар тўғрисида бош қотирмаймиз.

Фарзандларимиз камоли тўғрисида эса етарлича ташвиш чекмаймиз. Ҳар бир боланинг ўз кизиқиши ва муҳаббати бўлиши табиий. Шу тўғриси болада эътиқод туйғуси шаклланади. Уларнинг кизиқишлари эса муҳит ва тарбия асосида шаклланади.

Келаёжак болаларниқ демиш-у, аммо масъулиятни унутиб қўймаймизми, азиз ота-оналар?! Ш. МАМАТКУЛОВ

Ёш спортчилар беллашди. Чирчик шаҳридаги «Кимёгар» спорт мажмуасида касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда клублари ёш спортчиларни иштирокидаги спартакиададан Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Тизимдаги бешта Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, яъни Янгийўл ва Чирчик шаҳар БУСМ, 1-ва 4-сонли БУСМлар, шунингдек, Қибрай туман иқтисодлашган Олимпия ўринбосарлари спорт мактаби ҳамда иккита клуб, Олмалиқнинг ОТМК ва Бекободнинг «Металлур» клубларидан 200 нафарга яқин ўғил-қиз ўзаро мусобақалашди. Югуриш, сузиш ва граната улоқтириш шартларини ўз ичига олган «Алпомис ва Барчиной» тестлари ҳамда минн футбол бўйича ташкил этилган бахслар якунига кўра Бекобод шаҳар спорт клуби биринчи, ёш ОТМКчилар иккинчи, Янгийўл БУСМ эса учинчи ўриндан жой олди. Икки кун давомида ўзини кўрсатган спортчилар орасидан саралаб олинган иқтидор эгалари 8-11 сентябр кунлари Навоий шаҳрида ўтадиган спартакиаданинг Республика финал босқичига тайёргарлик кўришмоқда. Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Дўстлик спартакиадаси. Қашқадарёнинг Яқкабоғ туманидаги «Нихол» оромгоҳида «Ёшлар йилига бағишлаб таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят кенгаши, ёқилги-энергетика комплекси, геология ва кимё сановат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши вилоят вакилиги томонидан «Дўстлик» номи билан аталган қўшма спартакиада ўтказилди. Мусобақада ҳаваскор спортчилар спортнинг мини-футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка, армистлинг, арқон тортиш турлари бўйича беллашди. Иzzат ХИКМАТОВ, «Ishonch» мухбири

Жиззах Давлат педагогика институти томонидан 2006 йилнинг 1 июлида Турдалиева Дилором Раппорова номига берилган В №247964 рақамли Ўзбекистон Республикаси бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят Кенгашининг молия бўлими мудирини Викторина Лутовинага укаси Виталий КУМОНЯЕВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Logo of the newspaper and contact information for the O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. Bosh muharrir: Abdullolliq Abdurazzoqov. Tahrir hay'ati: Alla BOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Davud MADYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AHAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oqsulov NAFASOVA, Pirmuqol QODIROV, Sag'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESOMBAYEV. Bo'limlar: Kasaba uyushmalari haqoti (256-97-63), Huquq va xalqaro haqot (256-97-73), Ijtimoiy-iqtisodiy sigosat (256-97-74), Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport (256-97-76), Xabar va muxbirlar bilan ishlash (256-95-43), Reklama va e'lonlar (256-99-80). Manzilimiz: 100105, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasini, 24-uy. E-mail: ishonch-doverie@mail.ru. Nashr ko'rsatkichi: 133; 134. Navbatchi muharrir: T. Shernayev, D. Rahmonova, N. Mahamov. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchilar: H. Abdullajlov va Y. Mixaylovskiy. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boemaxonasida chop etildi. Korxonalar manzili: «Buyuk Turon» ko'chasini, 41-uy. O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta haftanaba seshanba, payshanba va shamba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Tijorat materiallari. Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 02.10. Bujortga G — 814. 11004 nusxada bosildi. 1 2 3 4 6 7 8